



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2023 йил “11” январ

32-00215 - сон

Қорақалпоғистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазири
М.Қурбановга

Тиббий хизматлар сифатини назорат
қилиш бошқармаси Қорақалпоғистон
Республикаси бўлими бошлиғи
И.Нурымбетовга

К ў р с а т м а
хизмат текшируви
ўтказиш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2023 йил 9 январь санасидаги 10.1/5-1-23-сонли хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги хат ижросини белгиланган муддатда таъминлаш учун юборилмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда атрофлича, ҳар томонлама, тўлиқ ва сифатли хизмат текшируви ўтказиб, **хизмат текшируви хулосаси ҳамда барча тўпланган ҳужжатларни** жорий йил **20 январь** кунига қадар вазирликнинг Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармасига тақдим этилсин.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2023 йил 9 январь санасидаги 10.1/5-1-23-сонли мутахассис ажратиш ҳақидаги хатида кўрсатилган **“токсиколог, педиатр ва реаниматолог”** мутахассисларини комиссия суд-тиббий экспертизасига жалб этилишини таъминлашингизни сўрайман.

Илова 4 варақда

Вазир ўринбосари



У.Сабилов

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLQITI SAQLAW
MINISTRILIGI

KIRIS № 20/25

“ 11 ” 01 20 23



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI**

230100, Nukus sh., G'arezsizlik ko'chasi, 44-uy

2023 йил 9 январь
10.1/5-1-23

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигига**

Мутахассис ажратиш ҳақида
(“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг
6, 22-моддаларига асосан)

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 01.01.2023 йил Республика шошилич тиббий илмий амалий маркази Қорақалпоғистон филиали болалар реанимация бўлимида 05.06.2019 йилда туғилган Юсупов Усман Жасурбек ўғли ўткир буйрак етишмовчилиги асоратлари натижасида вафот этган ҳолати юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазкур ҳолат жойига чиқиб ўрганилганида болалар реанимация бўлимида 2022 йил давомида жами 39 нафар болаларда (шундан 14 нафари вафот этган) ўткир буйрак етишмовчилиги асоратлари аниқланганлиги маълум бўлди.

У.Юсупов ҳамда бошқа болаларнинг ўлим сабаби, унга шифокорлар томонидан тўғри ташҳис қўйилганлиги ва даволаш ишлари тўлиқ олиб борилганлигини аниқлаш учун комиссиявий суд-тиббиёт экспертизаси тайинланган.

Экспертиза тадқиқотларининг холисона ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссиявий суд-тиббиёт экспертизасида шифокор-консультант сифатида иштирок этиш учун **жорий йил 15 январь кунига қадар** вазирликдан уч нафар (таксиколог, педиатр ва реаниматолог) тиббиёт ходимларини ажратишингизни сўрайман.

**Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси**

Ижрочи: А.Ергунусов
Тел: 99-455-77-52

О.Р.Шамуратов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI**

230100, Nukus sh., G'arezsizlik ko'chasi, 44-uy

2023 йил 9 январь

10.1/5-1-23

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигига**

Хизмат текшируви ўтказиш ҳақида

(“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг
6, 22-моддаларига асосан)

2023 йилнинг 01 январь куни Республика шошилиш тиббий илмий амалий маркази Қорақалпоғистон филиали болалар реанимация бўлимида 05.06.2019 йилда туғилган Юсупов Усман Жасурбек ўғли ўткир буйрак етишмовчилиги асоратлари натижасида вафот этган.

Мазкур ҳолат жойига чиқиб ўрганилганида болалар реанимация бўлимида 2022 йил давомида жами 39 нафар болаларда (*шундан 14 нафари вафот этган*) ўткир буйрак етишмовчилиги асоратлари аниқланганлиги маълум бўлди.

— 2022 йилда мазкур касалликдан вафот этган 14 нафар болаларнинг биронтаси патанатомик текширувдан ўтказилмаган ва шу сабабли, ўлим ҳолатига аниқлик киритилмаган ва касаллигининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмаган.

— Мазкур ўлим ҳолатлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тиббиёт муассасалари томонидан прокуратура органларига хабар берилмаган.

Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол қуйидагилар юзасидан жавобгар тиббиёт ходимларига ва назорат қилувчи, қабул қилувчи шифокорлар ҳаракатларига махсус ишчи гуруҳ тузган ҳолда хизмат текшируви ўтказиш лозим бўлади.

- Қорақалпоғистон Республикаси туман (шаҳар)лардаги тиббиёт муассасаларида патронаж хизмати томонидан ота-оналар ўртасида болаларда аниқланаётган ўткир респиратор вируси инфекцияси касаллигининг олдини олиш бўйича кенг кўламли профилактика тадбирлари, улар билан суҳбатлар амалга оширилганлиги, тез тиббий ёрдам тизимига ва амбулатор – поликлиника муассасаларига иситмаланган болалар бўйича чақирув ва мурожаатлар бўлган ҳолатларда болани тезкор стационарга ётқизиш ва кўрсатмаларга кўра госпитализация қилиш ишлари амалга оширилганлиги;

09656
10.01.2023

- амбулатор-поликлиника муассасаларида "онлайн патронаж" тизими тикланганлиги, бунда улар томонидан ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари тиббий ходимлари томонидан 6 ёшгача болалар саломатлигидан бевосита ва билвосита хабар олиш, ҳар қандай ўткир касаллик белгилари бор болаларга шифокорнинг тезкор кўриги ташкиллаштирилганлиги;

- даволаш - профилактика муассасалари, маҳалла, корхоналарда, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аҳоли орасида болаларни шифокор тавсиясиз ўзбошимчалик билан даволамаслик, ҳар қандай сиропли дори воситаларини болаларга бермаслик, "Quratax" фирмасининг сироп препаратларини вақтинча қабул қилмаслик юзасидан тушунтириш ишлари ва тарғибот тадбирлари амалга оширилганлиги;

- шифохоналарга мурожаат қилган барча болалардан тўлиқ анамнез йиғилганлиги (касалликнинг бошланган даври, қабул қилган дорилари, мурожаат қилган муассасалари ва натижалари), тасдиқланган стандарт ва клиник протоколларга асосан қатъий назорат ва даволаш чоралари кўриб борилганлиги, ҳар бир бола учун ҳудудий ва республика муассасалари мутахассиларини жалб қилган ҳолда консилиумлар ташкиллаштирилганлиги;

- Док - 1 МАКС ва Амбронол дорисини истеъмол қилган болалар аниқланганда, экспертиза ўтказиш учун ушбу дорини хонадондан олинганлигини ва муассаса бош шифокорига тақдим қилинганлиги, 6 ёшгача бўлган болаларга тез тиббий ёрдам хизматига чақирилувлар ҳамда фаол патронажни амалга оширилганлиги тўғрисида маълумотларни ҳар куни йиғиш мақсадида ҳудудларда тезкор штаблар фаолияти йўлга қўйилганлиги;

- касаллик аниқланган болаларни тўлиқ лаборатор-диагностика текширувидан ўтказиш учун ускуналарнинг тайёриги, ўткир буйрак етишмовчилиги билан келган болаларда ушбу касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволаш чораларини кўриш учун тиббиёт ходимларининг илмий ва назарий тайёргарлиги;

- болаларда аниқланаётган буйрак зарарланиши ва етишмовчилиги асоратлари касалликларини даволаш учун тиббиёт муассасаларда мавжуд гемодиализ ускуналари, уларнинг яроқлилиги, гемодиализ муалажаларини ўтказиш учун зарур бўлган диализаторлар тўпламларининг мавжудлигига ва етказилиб берилган тўпламларнинг бемор болаларга тўлиқ тақсимланганлиги;

- Буйрак етишмовчилиги касаллиги билан касалланиб, вафот этган болаларда патанатомик текширувдан ўтказилмаганлиги сабаблари ва қонунийлиги;


- 2022 йил давомида болаларда буйрак етишмовчилиги касаллигининг ошганлигини инobatга олиб, ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни соғломлаштириш ҳамда ушбу касалликнинг олдини олиш юзасидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий амалий маркази Қорақалпоғистон филиали, Қорақалпоғистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика болалар кўп тармоқли поликлиникаси томонидан амалга оширилган ишлар аҳволи;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацептика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан “Док-1 МАКС” ва “Амбронол” дори воситаларининг сотилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш бўйича амалга оширган ишлари ўрганилсин.

Юқоридагилардан ташқари, хизмат текшируви давомида юзага келган бошқада ҳолатлар бўйича ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш ишларини олиб бориб, тўпланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хизмат текшируви хулосасини **жорий йил 25 январь санасига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тақдим этишингизни сўрайман.

**Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси**



О.Р.Шамуратов

ижрочи: А.П.Ергунусов
тел:99-455-77-52



230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nókis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

2023 yil "20" yanvar
№ 01/868

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тиббий хизматлар сифатини
назорат қилиш бошқармасига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 11 январдаги 32-00215 - сонли "Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида"ги хати ижроси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2023 йил 9 январдаги 10.1/5-1-23-сонли хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги хати юзасидан ўтқир буйрак етишмовчилигидан вафот этган болаларнинг ўлимчилик ҳолати бўйича тиббиёт бирлашмаси ходимларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда вазирликнинг тегишли мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, натижаси юзасидан тўпланган маълумотларни тақдим қилмоқдамиз.

Илова: Тасдиқланган маълумотнома, тўпланган маълумотлар, шифокорларнинг тушунтириш хатлари.

Вазир:

М.И.Қурбанов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

М.И.Қурбанов

” 11 январь 2023 й

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 11 январдаги 32-00215 - сонли “Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида”ги хати ижроси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2023 йил 9 январдаги 10.1/5-1-23-сонли хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги хати юзасидан ўтқир буйрак етишмовчилигидан вафот этган болаларнинг ўлимчилик ҳолати бўйича тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда вазирликнинг тегишли мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИК: .

Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасининг 2023 йил 9 январдаги 10.1/5-1-23-сонли “Хизмат текширувини ўтказиш ҳақидаги” хати юзасидан Ишчи гуруҳ тузилиб, хизмат текшируви ўтказилиб, ўрганиш ишлари олиб борилди ва қуйидагилар аниқланди:

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҚФнинг болаларда аниқланаётган буйрак зарарланиши ва етишмовчилиги асоратлари касалликларининг кўпайиб кетиш ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2022 йил 30 сентябр куни 984-сонли хати билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат хати йўлланган.

Республика шошилич тиббий ёрдам илимий маркази Қорақалпоғистон филиалининг хатида 9 нафар боланинг “ўтқир буйрак етишмовчилиги” диагнози билан даволанаётганлиги, ушбу ҳолат юзасидан ўрганиш лозимлиги кўрсатилган. Шунга асосан, вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими мутхассиси М.Айтжанова ва Республика болалар юқумли касалликлар шифохонаси мутахассисларига тегишли тартибда топшириқ берилиб, ўрганиш ишлари олиб борилган.

Ўрганиш ишлари натижасида, болаларнинг ўтқир буйрак етишмаслиги касаллиги билан касалланиши ва оғир асоратлари дори

воситалари билан боғлиқлигига мутахассисларда шубҳа уйғотмаган, боғлиқлиги кўрсатилмаган.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, 2022 йил 1 ноябрь куни Республика Санитария эпидемиологик осайишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қорақалпоғистон Республика бошқармаси бошлиғи Б.Қутлимуратов номига вазирликнинг 03/9447-сонли хати юборилган бўлиб, хатда вазирлик томонидан Республикада 2-7 ёшдаги болалар ўртасида кўп учраётган ўткир юқумли касалликлар салбий асоратлар олаётганлиги бўйича тегишли тартибда ўрганиш ишлари олиб бориб, хулосасини вазирликга топшириш кераклиги кўрсатилган.

Республика Санитария эпидемиологик осайишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қорақалпоғистон Республика бошқармаси томонидан ўрганиш натижасида, 2-7 ёшдаги ва юқорида хатда кўрсатилган ўткир буйрак етишмовчилиги билан касалланган 9 нафар болаларнинг оила аъзолари билан гаплашган ҳолда ўрганилганида дори билан боғлиқлигига шубҳа уйғотмаган, дорига боғлиқ касалланиш асоратлари аниқланмаган.

Бундан ташқари, 2022 йил 8 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 01-03/571-сонли хати юборилган бўлиб, хатда вазирлик томонидан Болалар миллий марказининг илмий ходими Б.Маматкуловни Республика, шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалига консултатив ёрдам кўрсатиш юзасидан хизмат сафарига юбориш, шифокорларга амалий ва назарий ёрдам бериш сўралган.

Шу боис, Б.Маматкулов томонидан 2022 йил 9 ноябрь куни даволанаётган болалар тиббий текширувдан ўтказилган ва шифокорларга ўз тафсиялари берилган, даволаш ишлари олиб бориш тактикалари таҳлил қилиниб, ижобий даволаш усуллари жорий қилинди, вазирлик билан бир неча маротаба видео конференция алоқа ёрдамида ўткир респиратор даволаш ишлари бўйича кенг кўламли семинар ўтказилган, касалланиш ҳолати дори воситалари билан боғлиқлигига шубҳа уйғотмаган.

Ушбу ўткир буйрак етишмовчилиги касаллиги билан 2022 йил сентябрь ойидан шу кунга қадар 39 нафар 2-7 ёшдаги болалар орасида касалланган бўлиб, шундан 14 нафари вафот этган, 7 нафари Индия давлатида "Кура Макс" жамияти томонидан ишлаб чиқарилган (Док-1 Макс, Амбраксол) дори воситаларини қабул қилганлиги аниқланган.

Вафот этган болалардан Тўрткўл туманидан Аминбаев Азиз 18.11.2021 йилда туғилган, Қўнғирот туманида Елиубаев Шерзад 25.05.2016 йилда туғилган, Айтбаев Ахмад 21.03.2020 йилда туғилган, Беруний туманида Фархадова Севинч 18.08.2018 йилда туғилган, Амударё туманида Каримбаев Исламбек 24.12.2020 йилда туғилган, Қўнғирот туманидан Нуримов Шавкат 07.01.2019 йилда туғилган,

Элликқалъа туманидан Юсупов Усман 05.11.2019 йилда туғилган, болалар Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилганлиги аниқланган.

4 нафари Шўманой туманидан Атамуратов Мухамед 15.06.2019 йилда туғилган, Нукус шаҳри Мамбетиярова Айжамал 29.04.2021 йилда туғилган, Чимбой туманидан Маратбаева Малика 30.1.2019 йилда туғилган, Шуманой туманидан Раджапов Бехруз 1.06.2017 йилда туғилган болалар ушбу дориларни қабул қилмаган.

2 нафари Нукус шаҳри, Байтилеуов Алихан 07.05.2018 йилда туғилган, Нукус шаҳридан Мақсетов Азадбек 05.09.2019 йилда туғилган болаларнинг дориларни қабул қилган ёки қилмаганлигини маълум эмас.

Ушбу вафот этган болалардан Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилган ёки қабул қилмаганлиги мутахассислар томонидан болаларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказиб аниқлаган бўлиб, ота-оналарнинг берган маълумотлари асосида дориларни қабул қилишганлиги аниқланмоқда. Ушбу вафот этган болаларнинг Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилишини натижасида касалликга чалинганлигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд эмас бўлиб, яъни улар патанатомик текширувдан ўтказилмаган.

Вафот этган 6 нафар болаларнинг уй шароитида Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилган-қилмаганлиги фақат ота-оналар билан телефон орқали суҳбат олиб борган ҳолда ўрганилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасалар томонидан Док-1 Макс дори воситаси сироп ёки таблеткаларини ҳарид қилинмаганлиги бўйича барча муассасалардан маълумот олинган ва шифокорлар томонидан ушбу дори воситасини тавсия бермаслиги бўйича топшириқ берилган. Шунингдек, барча бирламчи тиббиёт ходимларига алоҳида топшириқ сифатида хонадонида ёш боласи бор оилалар уйларига ташриф буюриб, Док-1 Макс дори воситаси сироп ёки таблеткалари мавжуд бўлса ишлатмасликни ва фақатгина шифокор тавсиясига асос болаларга тиббий муолажалар ўтказишни тавсия бериши тушунтириш ишлари олиб борилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 29.12.2022 йилдаги 10-41618-сонли топшириғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республикадаги барча тиббиёт муассасаларига топшириқлар берилган бўлиб, бунга кўра ҳозирги ҳолатни ўрганиш (даволанаётган болаларнинг дори воситаларини қабул қилганлиги) ҳамда тиббий кўриқдан ўтаётган болаларга Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилишда шифокор билан маслаҳатлашиш тўғрисида тушунтиришлар бериш кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикасида тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан аҳоли орасида ўткир респиратор касалликларни даволаш бўйича кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 ноябрь кунги 01-03/571-сонли хати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига Республика ҳудудида болалар ўртасида ўткир респиратор касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасидаги тадбирлар юзасидан маълумотнома юборилган, Республика ҳудудида болалар ўртасида ўткир респиратор касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасидаги тадбирлар ўтказиш юзасидан амалий ёрдам берилишини сўралган.

Ушбу юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига 01/757-сонли хати юборилган бўлиб, ушбу хатда барча мутасадди ҳамкор ташкилотларга тегишли тартибда махсус топшириқ сифатида аҳоли ўртасида дорихоналардан “Quramax” фирмаси томонидан олиб келинган Док-1 Макс ҳамда Амбронол сироп дори воситаларини вақтинча (вазиятга аниқлик киритилгунча) қабул қилмаслик юзасидан тушунтириш ишларини ва тарғибот тадбирларини ўтказишда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бугунги кунда фаолият юритаётган барча дорихоналардаги Хиндистонда ишлаб чиқарилган “Quramax” фирмаси томонидан олиб келинган дори воситалари сотувини чеклаб туришда амалий ёрдам берилиши сўралганлиги аниқланди. (нусхаси илова қилинади)

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига 2023 йил 3-январ кунги 03/02 сонли хат билан, Республика даволаш профилактика муассасалари ва Нукус шаҳар ва барча туман тиббиёт бирлашмаларига 2022 йил 29 декабрь кунги №03/15989 сонли Топшириқ хати билан, Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази раҳбари, Республика шошилинич тиббий ёрдам илимий маркази Қорақалпоғистон филиали директориغا, Нукус шаҳар ва барча туман тиббиёт бирлашмаларига 2022 йил 29 декабр кунги 03/15991-сонли Топшириқ хати билан чиққанлиги ва бу хатларда 2023 йил 3 январ кунидан бошлаб 10 кун муддатда бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларини тиббий ходимлари томонидан ўзига бириктирилган барча хонадонларни тўлиқ қамраб олган ҳолда фаол патронаж ишларини кучайтириш ва ўтказиш чоралари ҳамда “Хонадон дори қутиси”ни шахсан назоратдан ўтказиш, муддати ўтган дори-дормонлар, уларни сақлаш қоидалари бўзилган ҳамда “QURAMAX” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган барча дори воситаларини қабул қилмаслик ва истъеомдан чиқариш чораларини кўриш бўйича хатлар чиқарилган. (нусхаси илова қилинади)

Бу буйича Республика буйича жами 367095 хонадонда 365268 патронаж қилинганлига ва бунда патронажда қатнашган ўрта тиббийёт ходимлар сони 25459 нафарни ташкил қилиган. Ўрганилган хонадонлардан 227тасида Док-1 дори воситаси ва “QURAMAX” препаратларидан 8590 дона топилганлиги кўрсатилган. Барча хонадонларда яъни 383107 та хонадонда “Quramax” фирмасининг сироп препаратларини вақтинча қабул қилмаслик юзасидан тушунтириш ишлари ва тарғибот тадбирларини амалга оширган.

Ўрганишлар давомида бирламчи тиббийёт муассалари томонидан олиб борилган ишлар ҳам ўрганилди.

Жумладан **Нукус шаҳар тиббийёт бирлашмасига қарашли 1-сонли оилавий поликлиникасида** умумий аҳоли сони 30681, Хонадонлар 7465, 6-ёшгача 3333 нафар, хабар олинганлар 2280, онлайн 557, офлайн 1723.

Поликлиника ҳудудида «QURAMAX» препаратини ичган болалар 52 нафарни ташкил этади.

Док-1 Макс дори воситасини қабул қилган болаларнинг амбулатор картасига анамнез тўлиқ ёзилмаган.

3-сонли оилавий поликлиника умумий аҳоли сони-34241, Хонадон 8057, патронаж ишларида иштирок этган ҳамширалар сони -34 нафар.

Буйрак етишмовчилиги буйича ҳисобда турган Нурабуллаева Муслима 2021 йил 11 февралда туғилган. Саёҳатчилар, кўчаси 15А уйда истиқомат қилади.

Нурабуллаева Муслима 06.03.2022-14.04.2022 йил оралиғида стационар даволанганлигига қарамай шифохонадан уйга чиқиб келгач ҳудудий УАШ томонидан ҳеч қандай текширув ёки уйига бориб хабар олиш, диспансер назоратга олиш, тиббий томондан ҳеч қандай чора кўрилмаганлиги аниқланди.

Нурабуллаева Муслиманинг амбулатор картасига 13.10.2022 йил куни фақат эмлаш муолажаларига тиббий чеклов қўйиш мақсадида шифокор кўриги қайд қилинган.

Беморда буйрак етишмовчилиги кузатилсада поликлиника томонидан ҳеч қандай таҳлиллар (пешоб таҳлили, қон таҳлили, биокимявий таҳлил) олинмаган (ўтказилмаган). УАШ Нуримбетова Гулчехра.

9-сонли оилавий поликлиника умумий аҳоли сони 22660 нафар, хонадонлар сони 3740 та, 6-ёшгача болалар сони - 2385

Болаларнинг амбулатор карталарини кўздан кечириш жараёнидан 35 нафар боладан биокимявий таҳлил олинган, лекин ҳеч қандай анамнез мавжуд эмас.

Болаларда аниқланаётган буйрак зарарланиши ва етишмовчилиги асоратлари касалликларини даволаш учун гемодиализ хизмати аҳволи

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказ Қорақалпоғистон филиалида ўрганганимизда қуйидагилар аниқланди:

Болаларда аниқланаётган буйрак зарарланиши ва етишмовчилиги асоратлари касалликларини даволаш учун РШТЎИМ КФ да бугунги кунда гемодиализ муолажасини ўтказиш учун зарур бўлган 2008 йилда ишлаб чиқарилган 3 дона "Frezenius 4008" гемодиализ аппарати мавжуд бўлиб, 2 таси ишлаб турибди, бугунги кунда таъмирталаб аҳволда, биттаси ишга яроқсиз. Сув тозалаш станцияси эскирган, қуввати фақат 1 ўринга етади. Сифатли гемодиализ хизмати кўрсатиш учун бизга 2 дона янги гемодиализ аппарати ва 1 дона 5 ўринлик сув тозалаш станциясига эҳтиёж мавжуд.

Гемодиализ муолажаларини ўтказиш учун зарур бўлган диализатор тўпламлари катталар учун йил давомида етарли бўлган, ёш болалар учун диализатор тўпламлар таъминланишида вақти вақти билан узилишлар кузатилган, ушбу тўпламлар 11 ҳолатда ўз ҳисобидан харид қилиб олиб келинган. Бу бўйича вазирликка бир неча марта хатлар чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Беруний туманидан, Хоразм, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан олиб берилган. Етказиб берилган тўпламлар бемор болаларга тўлиқ тақсимланган.

Касаллик аниқланган болаларни тўлиқ лаборатор-диагностика текширувидан ўтказиш учун ускуналар ҳамда филиал лабораторияси фаолияти ўрганилганда лаборатория бўлимида 7 хил атамадаги биохимик, анализатор, КЩС аппаратлари соз ҳолатда ишлаб турибди, реагент, реактивлар етарли миқдорда таъминланган ҳамда захираси мавжуд. Филиалда қабул диагностика бўлимида рентген, УТТ текширувлари учун янгидан замонавий аппаратуралар билан таъминланган.

Филиалда шифокорларнинг илмий ва назарий тайёргарлиги ўрганилганда токсикология бўлими мудирининг олий тоифали шифокор Алламбергенов Сарсенбай 26 йил стажга эга. 2015 йилда Тошкент шаҳрида токсиколог, экстракорпоралный детоксикация" мутахасслигини олган, 2016-2020 йилларда гемодиализ аппаратларини ишлатиш бўйича бир неча бор малака ошириб келган.

Шифокор Матжанов Максат 11 йил стажга эга. 1 тоифали шифокор. 2014 йилда Тошкент шаҳрида токсиколог,

экстракорпоральный детоксикация” мутахасслигини олган, 2017, 2020 йилларда гемодиализ аппаратларини ишлатиш бўйича бир неча бор малака ошириб келган.

Шифокор Тлепов Руслан 5 йил стажга эга. 2 тоифали шифокор. 2021 йилда Тошкент шаҳрида “нефролог, экстракорпоральный детоксикация” мутахасслигини олган, 2022 йилда токсикология, гемодиализ аппаратларини ишлатиш бўйича бир неча бор малака ошириб келган.

Қорақалпоғистон Республикасида буйрак етишмовчилиги касаллиги билан касалланиб, вафот этган 14 нафар болаларнинг патанатомик текширувдан ўтказилмаганлик ҳолати касаллик тарихлари бўйича ва шифокорларнинг тушунтириш хатлари асосида ўрганилганда Ўткир буйрак етишмовчилиги касаллиги билан 2022 йил сентябрь ойидан шу кунга қадар 39 нафар 2-7 ёшдаги болалар орасида касалланганлар аниқланган бўлиб, ушбу болалардан 14 нафари вафот этган, вафот этган 14 нафар боланинг 12 нафарига 102 телефон рақами орқали хабар берилган, шундан биттаси суд тиббий экспертиза текширувидан ўтказилган. Вафот этган болалар ота-оналари томонидан патанатомия текширувига юборилмасдан тил хат асосида уйига олиб кетилган, уларни текшириш имкони бўлмаган, 2 нафари оғир аҳволда уйига олиб кетилганлиги аниқланди.

Буйрак касаллиги билан касалланиб вафот этган 14 нафар болаларнинг даволаш ишлари қайд этилган касаллик тарихлари ўрганиш ишлари асосида таҳлил қилинди.

Буйрак касаллиги билан касалланган болаларга ташхис қўйишда хатоликларга йўл қўйилмаган. Бемор аҳволи ва таҳлилларга қараб даволаш ва диагностика стандартлари асосида даво муолажалари ўтказилган. Беморга олиб борилган даво муолажалари РШТЎИМ КФда имконият даражасида керак бўлган тор доирадаги мутахассислар томонидан консультация қилиниб, уларнинг тавсиялари бўйича олиб борилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, расмийлаштирилган тиббий ҳужжатларга, тушунтириш хатларига, беморда ўтказилган тиббий текширувлар асосида қуйидагича

Хулосага келдик:

1. Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 11 январдаги 32-00215 - сонли “Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида”ги хати ижроси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 2023 йил 9 январдаги 10.1/5-1-23-сонли хизмат


текшируви ўтказиш ҳақидаги хати юзасидан ўткир буйрак етишмовчилигидан вафот этган болаларнинг ўлимчилик ҳолати бўйича тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан ўтказилган хизмат текшируви якунланди деб ҳисоблансин.

2. Ўткир буйрак етишмовчилиги билан вафот этган 14 нафар болалар орасида Док-1 Макс ёки Амбраксол дори воситаларини қабул қилган болаларда Док-1 МАКС" дори воситасини уй шароитида қўлланганлиги сабабли ўлимига айнан шу дорининг сабаб бўлганлигини, воситасини таркибини шу даврда лаборатор текшириб кўриш имкони йўқлиги сабабли ўлим ҳолатларига айнан шу дори воситалари сабаб бўлганлик ҳолати тасдиқланмади деб ҳисоблансин.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг келгусида олдини олиш мақсадида барча даволаш профилактика муассасаларида назоратни кучайтириш бўйича топшириқлар берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармасига текширув натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма турда жавоб берилсин

**ЎзССВ Тиббий хизматлар
сифатини назорат қилиш
бошқармаси ҚР бўлими
бошлиғи:**




И.Нурымбетов

**ЎзССВ Тиббий хизматлар
сифатини назорат қилиш
бошқармаси ҚР бўлими
мутахассиси:**




М.Оллаберганов

**ЎзССВ Тиббий хизматлар
сифатини назорат қилиш
бошқармаси ҚР бўлими
мутахассиси:**



А.Альжанов

**ЎзССВ Аҳоли соғлом турмуш
тарзини қўллаб-қувватлаш
ва жисмоний фаоллигини
ошириш маркази ҚР
ҳудудий бўлими бошлиғи:**



П.Хожиев

Республика кўп тармоқли
тиббийёт маркази шифокори:



Қ.Сабилова

Республика болалар кўп тармоқли
тиббийёт маркази шифокори:



Б.Хожалепесов

Хўжайли ТТБ КТМП шифокори:



С.Баймаганбетова